

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНҒАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЛИХОДЖАЕВА ХАВАСХОН ЗАКИРЖАНОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ ХРОНОНИМ ВА ГЕОРТОНИМЛАРИНИНГ
ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) in
Philology**

Салиходжаева Хавасхон Закиржановна

Ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг лисоний тадқиқи..... 3

Салиходжаева Хавасхон Закиржановна

Лингвистическое исследование хрононимов и геортонимов

узбекского языка.....27

Salikhodjaeva Khavashon Zakirjanovna

Linguistic study of the chrononyms and geortonyms

of the Uzbek language..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

НАМАНҒАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЛИХОДЖАЕВА ХАВАСХОН ЗАКИРЖАНОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ ХРОНОНИМ ВА ГЕОРТОНИМЛАРИНИНГ
ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.І. PhD/Fil.4 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Улуков Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Одилов Ёрқинжон Рахмоналиевич
филология фанлари доктори

Ҳусанов Нишонбой Абдусатторович
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даража берувчи DSc.03/30.12.2020.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел: (+99873) 244-66-02; факс: (993873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz.)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (99873) 244-71-28).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кuni тарқатилди.
(2020йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Қосимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д.

И.Т.Ҳожалиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филол.ф.н.

А.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фанида атоқли отларни ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, этнографик ахборотларни ташувчи миллий-лисоний бирликлар сифатида ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Тарихий вақт, воқеа-ҳодиса, анжуман ва байрамлар ҳамда сиёсий, маданий, санъат, спорт тадбирларининг махсус номлари – хрононим ва геортонимлар ҳам фалсафа, тарих, этнография, маданиятшунослик ва бошқа фанлар томонидан ана шундай муҳим ижтимоий аҳамиятга молик ономастик бирликлар эканлиги эътироф этилган.

Дунё тилшунослигида макро ва микроўламга хос ономастик бирликларнинг лексик-семантик, номинацион-мотивацион, деривацион, структурал-типологик, грамматик, лексикографик хусусиятлари тадқиқи борасида юксак натижаларга эришилган. Ҳозирги глобаллашув даврига келиб, барча атоқли от типларини, жумладан, хрононим ва геортонимларни ономастикада эришилган ютуқ ва тажрибалар ҳамда янги антропоцентрик парадигма асосида ўрганиш муҳим вазифага айланди. Айниқса, тарихий вақт бирликлари, воқеа-ҳодисалар, анжуманлар ва байрам, сиёсий, маданий, санъат, спорт тадбирларининг атоқли номларини тилшунослик билан бошқа фанлар интеграцияси натижасида юзага келган лингвокультурология, социолингвистика, этнолингвистика аспектида ўрганиш кун тартибига қўйилди.

Замонавий ўзбек тилшунослиги, хусусан, ономастикасида истиқлол йилларида йирик илмий ва амалий ишлар амалга оширилган бўлса-да, мифоним, ктематоним, агионим, некроним, геоним, гемероним, документоним, ороним, патроним, перейтоним, спелеоним, экклезионим, эргоним, хрематоним каби ономастик бирликлар, жумладан, бой лисоний, миллий-маданий ва этник маълумотларни ташувчи хрононим ва геортонимлар лингвистик аспектда ўрганилмаган. Натижада ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг лисоний белги-хусусиятлари, вазифалари ва ономастик тизимдаги ўрни аниқланмаган. «Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда. Айниқса, охириги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эга»¹. Шунга кўра, ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг тарихий-лисоний тадқиқига доир мазкур диссертация долзарблик касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2019, 9.07. – Б.1.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида тарихий вақт бўлаклари, воқеа-ҳодисалар, халқ байрамларининг тарихи, тараққиёти, турлари, генезси, жамият ва миллат ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий такомилидаги ўрни, номланиши, вариантлари, мавзуй гуруҳлари фалсафа, маданиятшунослик, санъатшунослик, психология фанлари, жумладан, тилшуносликнинг ономастика соҳаси аспектида Н.В.Андреева, О.В.Атрошенко, Л.А.Бадертдинова, И.В.Бугаева, Т.П.Ванченко, Л.В.Гайворонская, И.В.Гужова, И.В.Крюкова, А.А.Новожилова, О.Л.Орлов, С.А.Реммер, Е.Ю.Терентьева, С.В.Тихомирова, Е.А.Филатова, Н.Л.Юдин каби олимлар томонидан тадқиқ этилган². Умуман, жаҳон, жумладан, рус

² Андреева Н.В. Функциональная семантика хронимов в нарративном тексте материала современного немецкого языка: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Волгоград, 2008. – 24 с.; Атрошенко О.В. Оценочная семантика народных хронимов: Вестник Пермского университета. – Российская и зарубежная филология. – Россия, 2011. – С. 34-42; Атрошенко О.В. Русская народная хронимия: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2012. – 26 с.; Атрошенко О.В. К истории лексикографического описания хронимии: Уральский государственный университет путей сообщения – Екатеринбург, 2014. – С.96–115; Бадертдинова Л.А. Семантика и сочетаемость именназваний времен и месяцев года языке произведений И.А. Бунина: – Казань, 2004. – 179 с.; Бугаева И. В. Язык православной сферы: современное состояние, тенденции развития: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Москва, 2010. – 48 с.; Ванченко Т.П. Культуролого-антропологические основания праздника: семантико-семиотические аспекты: Автореф. дисс. ... док.. философ. наук. – Тамбов, 2009; Гайворонская Л.В. Семантика календаря в художественном мире Пушкина: дни недели, времена года. – Воронеж, 2006. – 242 с.; Гужова И.В. Праздник как феномен культуры в контексте целостного подхода: Автореф. дисс. канд. философ. наук. – Томск, 2006. – 18 с.; Крюкова И. В. Рекламное имя: рождение, узуализация, восприятие. – Волгоград: Перемена, 2003. – 100 с.; Новожилова А.А. Функциональная вариативность относительных хронимов: на материале немецкого языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2008. – 26 с.; Орлов О.Л. Российский праздник как историко-культурный феномен: Автореф. дис. ... доктор. культурологических наук. – Санкт-Петербург,

илм-фанида хрононимлар ва геортонимлар тадқиқи борасида яхши натижаларга эришилган.

Ўзбек байрамлари ва улар билан боғлиқ урф-одатлар маданиятшунослик йўналишида У.Қорабоев³, этнология аспектида А.Аширов⁴, фольклоршунослик нуқтаи назаридан М.Жўраев⁵ томонидан монографик планда ўрганилган, бироқ Н.Улуқовнинг мақоласини эътиборга олмаганда⁶, ўзбек тили хрононимияси ва геортонимияси лингвистик аспектда ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг лисоний хусусиятлари ҳамда ономастик бирликлар билан муносабатини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тарихий асарлар, солномалар ва бошқа манбалардан ўзбек тили хрононим, геортонимларини тўплаш;

хрононим ва геортонимларнинг ономастик кўламда тутган ўрни, лисоний мақоми ҳамда бошқа ономастик бирликлар билан муносабатини аниқлаш;

хрононим ва геортонимларнинг умумий ҳамда фарқли, хусусан, ўзаро боғлиқлик хусусиятларини белгилаш;

хрононим ва геортонимларнинг семантик, хронологик, структурал таснифини бериш;

ўзбек тили хрононим ва геортонимлари сирасидаги ижтимоий, маданий ва лисоний такомиллашувларни социолингвистик аспектда таҳлил қилиш;

ўзбек халқи тарихий воқеа-ҳодисалари, байрамларининг лексик-семантик, тарихий-этимологик, этнолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти тарихий манбалардан мустақил изланишлар жараёнида тўпланган мингга яқин хрононим ва геортонимлар ҳамда улар билан боғлиқ бошқа ономастик бирликлар ҳисобланади.

2004. – 29 с.; Реммер С.А. Хрононими як особливий розряд власних імен: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Дніпропетровськ, 2005. – 20 с.; Терентьева Е. Ю. Лингвистические особенности номинации праздников православной церкви в русском и болгарском языках / Славянский альманах 2009. – М., 2010. – С. 246-257; Тихомирова С.В. Динамика социальных представлений о празднике у современной российской молодежи: Диссер. ... кандидат психологический наук. – Москва, 2008. – 186 с.; Филатова Е.А. Праздник как ритуально-игровое событие: Автореф. дисс. ... канд. философ. наук. – Тюмень, 2013. – 29 с.; Юдин Н.Л. Социальный смысл праздника: Дисс. ... канд. философ. наук. – Иванова, 2006. – 228 с.

³ Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 192 б; Қорабоев У. Табиат байрамлари. – Тошкент: Меҳнат, 1988.

⁴ Ашуров А. «Авесто»дан мерос маросимлар. – Тошкент: Мерос, 2001. – 32 б.; Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 272 б.

⁵ Жўраев М. Наврўз байрами. – Тошкент: Фан, 2009.

⁶ Улуқов Н. Мустақиллик даври хрононимлари // Тил ва адабиёт таълими, 2010. – № 10. – Б. 61-64.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг номинацион-мотивацион, лексик-семантик, ономастик, этнолингвистик ва лингвокультурологик белги-хусусиятлари ишнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, статистик, лексик-семантик, номинацион-мотивацион, этимологик, лингвокультурологик, этнолингвистик, социоллингвистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хрононим ва геортонимларнинг ономастик кўламда тутган ўрни, лисоний мақоми ҳамда бошқа ономастик бирликлар билан муносабати, улар доирасидаги ўзаро ўтишлар (ономастик конверсия ва трансонимизация) аниқланган;

хрононим ва геортонимларнинг умумий ҳамда фарқли, хусусан, ўзаро боғлиқлик хусусиятлари далилланган;

ўзбек тили хрононим ва геортонимлари сирасидаги ижтимоий, маданий ва лисоний такомиллашувлар социоллингвистик аспектда асосланган;

ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг этнолингвистик ҳамда лингвокультурологик хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

хрононимия ва геортонимия бўйича тўпланган материаллар, уларнинг тадқиқи натижасида чиқарилган хулоса ва талқинлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги, хусусан, ономастикаси учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, ўзбек тили ономастикаси бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, лексикология, ономастика, топонимика, тарих, этнография, этнология, маданиятшунослик, лингвокультурология фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган;

хрононимия ва геортонимия бўйича тўпланган материаллар изоҳли, лингвокультурологик луғатларга материал ҳамда манба сифатида хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар қилиш имконини берганлиги, уларнинг асослилиги, методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек тили ономастикасини хрононимлар, геортонимлар ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитади. Тадқиқот хулосалари ва тадқиқ усулларида бошқа ономастик бирликларни лингвокультурологик, этнолингвистик аспектда ўрганишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унинг материаллари, натижа ва хулосалари ўзбек ономастикасига оид дарслик ва қўлланмалар ёзишда, олий ўқув юртларида ўзбек тили хрононимикаси ва геортонимикаси бўйича махсус курслар, шунингдек, тарих факультетларида «Хронология», «Этнография», «Этнология», барча йўналишларда «Маданиятшунослик» фанларини, умумий ўрта таълим мактабларида атоқли отлар, хусусан,

тарихий сана, байрам номларига доир мавзуларни ўқитишда манба ва материал вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг лисоний тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хрононим ва геортонимларнинг деривацион хусусиятларини ҳамда лисоний мақоми ва вазифаларини ёритишда, шунингдек, мустақиллик даври ўзбек ономастикасининг тараққиётини ўзида ифодаловчи деривацион номларни изоҳлашда Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» номли фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3704-сон маълумотномаси). Натижада атоқли отлар деривациясига доир изоҳлар ва таҳлиллар мукамаллашган;

байрам, хусусан, Наврўз геортоними ва у билан боғлиқ антропонимлар (киши номлари), библионимлар (асар номлари), афоризмлар (ҳикматли сўзлар) ва паремиялар (мақол ва маталлар)нинг лисоний, лисоний-маданий хусусиятлари ҳамда социолингвистик, этнолингвистик талқин ва таҳлилларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг кўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2017 йилда Наманган вилояти «Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан 44-08/70-14-сонли «Мустақиллик берган неъмат» номли илмий-амалий лойиҳасини бажаришда, хусусан, мазкур лойиҳа асосида тайёрланган «Наврўз – мустақиллик берган неъмат» (Наманган: «Наманган» нашриёти, 2017. – 300 б.) номли услубий кўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Наманган вилояти «Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилотининг 2019 йил 9 сентябрдаги 214-сон маълумотномаси). Натижада китоб Наврўз байрамининг миллий лингвокультурема сифатидаги тарихи, моҳияти, ёйилиш ареали, тараққиёти, лисоний вазифаси, лингвомаданий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар билан бойиган;

хрононим ва геортонимларнинг лисоний тадқиқига доир материаллардан 2017-2019 йилларда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг «Бедорлик», «Ижод завқи», «Таълим ва тараққиёт», «Миллат маънавияти» каби эшиттиришларга оид дастурлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг 2019 йил 24 июлдаги 142-сон маълумотномаси). Натижада радиодастурлар ўзбек миллий, диний, касбий байрамларининг номланиши, луғавий асослари, лисоний-маданий вазифалари ва хусусиятлари ҳақидаги илмий хулосалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, (5 та республика ҳамда 1 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва илова тарзида берилган ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг умумий рўйхатидан иборат бўлиб, 175 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети, усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилинганлиги апробацияси, нашр этилган ишларга муносабат, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хрононимия ва геортонимиянинг назарий масалалари**» номли 1-бобида хрононим ва геортонимларнинг лисоний мақоми, ономастик кўламдаги ўрни, тадқиқи, тарихий манбалари каби масалалар ёритилган.

1.1.Хрононим ва геортонимларнинг лисоний мақоми ҳамда ономастик кўламдаги ўрни. Инсоннинг ақлий, ғоявий ва ижодий фаолияти маҳсули бўлган илмий, бадиий, тасвирий санъат асарлари, ҳужжатлар, воқеа-ҳодисаларнинг атоқли номлари ономастикада идеонимлар деб юритилади.

Идеонимлар ономастик макрокўлами қуйидаги микрокўламларга бўлинади:

1. Ктематоним – халқ тарихи, миллий маданияти учун маълум қимматга эга бўлган баъзи нодир қуроллар, асбоб-ускуналар, буюмларнинг атоқли оти.

2. Документоним – халқ тарихи учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар номи.

3. Хрононим – тарихий даврлар, босқичларнинг атоқли оти.

4. Геортоним – ҳар қандай байрам, фестиваль, хотира кунлари ва мана шу хилдаги тадбирларнинг атоқли оти.

5. Гемероним – матбуот нашрларининг атоқли оти.

6. Библионим – ҳар қандай бадиий, илмий, диний, сиёсий асарларнинг атоқли оти.

7. Артионим – тасвирий санъат асарлари (ранг-тасвир, графика, пластика ва бошқалар)нинг атоқли оти⁷.

Ўзбек тили луғат таркиби идеонимларга бой, бироқ уларнинг барча турлари тўлиқ тўпланмаган, илмий манбаларда у ёки бу тарзда тилга олинса-

⁷Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б.46; Авлақулов Я. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи: Филол. фанл. ном. ... дисс.автореф. – Тошкент, 2012. – 24 б.

да, махсус ўрганилмаган. Ана шундай атрофлича ўрганилмаган идеоним турларидан бири хрононимлардир.

Хрононим тарихий даврлар, вақт бўлаклари, воқеа-ҳодисалар, йиғинларнинг атоқли оти ҳисобланади. Хрононимлар давомли кўламларга бўлинмайдиган ономастик макроқўламлар гуруҳига киради, яъни хрононимлар геортонимлар билан алоқадор бўлса-да, бошқа микроқўламларга бўлинмайди.

Ономастикага оид терминологик луғатларда ҳар қандай байрам, фестиваль, хотира кунлари ва мана шундай маросим ҳамда тадбирларнинг атоқли отлари геортонимлар деб юритилади ҳамда байрам ва тантаналар маълум вақтда, кунда нишонланишига кўра геортонимлар сирасига кирувчи ономастик birlikларнинг хрононимлар билан боғлиқлиги кўрсатилади⁸.

Хрононим ва геортонимлар номинатив функциядан ташқари қуйидаги лисоний вазифаларни ҳам бажаради:

1. Хрононимлар ўзида маълум тарихий давр, воқеа-ҳодиса ҳақидаги информация ва ахборотларни йиғиш, жамлаш, умумлаштириш, тўплаш, ифодалаш, сақлаш ва узатиш билан информатив, ахборот ифодалаш вазифасини бажаради. Масалан, *Бобон қўзғолони* – Зарафшон воҳасида чоризм мустамлакачилик истибдоди ва маҳаллий амалдорлар зулмига қарши кўтарилган деҳқонлар қўзғолони (1868, октябрь – 1870, сентябрь)⁹.

Восе қўзғолони (1887 – 1888) – Бухоро амирлиги ҳудудида бўлиб ўтган халқ қўзғолони. Унга Ховадинг амлоқдорлигида яшовчи Абулвосе исмли деҳқон йигит бошчилик қилган¹⁰.

Қўзғолонлар уларга раҳбарлик қилган Бобон Алибоев (Бобон Тўқсоба) ва Абулвосега нисбат бериб, шундай аталган. Демак, луғавий асосига кўра антропохрононим. Улар тарихий воқеа-ҳодиса, хусусан, халқнинг озодлик, эрк йўлидаги кураши, унинг раҳбари, мақсад-моҳияти ҳақидаги ахборотларни ифодалайди.

2. Хрононим ва геортонимлар тарихий давр, воқеа-ҳодисалар ҳақидаги билимларни келгуси авлодга етказишга хизмат қилиши билан кумулятив вазифа ҳам бажаради. Масалан, *Ренессанс // Уйғониш даври* – Марказий Осиё, Эрон, Хитой (IX-XII ва XV асрлар), Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври.

Ренессанс атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалиш (XIV-XVI асрлар) га нисбатан қўлланилган, уни ўрта аср турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. *Ренессанс*, яъни *Уйғониш даври* фақат Европага хос ҳодиса эмас. Осиё марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин (IX-XII асрлар) улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, фалсафа, адабиёт ривожланиб, ақлий ва ижодий тафаккур тараққий этган.

Буюк тафаккур эгаларининг бутун бир авлоди етишиб чиққан, жаҳонни илм, маърифат ва маънавият нури билан ёритган ана шу давр Шарқ тарихида

⁸ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988. – С.48; Бегматов Э., Улуков Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.24.

⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 2-ж. – Б.81.

¹⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 2-ж. – Б.501.

Уйғониш даври ёки *Олтин аср* деб аталади¹¹. Хрононимнинг ҳар икки вариантга *уйғониш*, *олтин* сўзларининг метафорик маъноси луғавий асос бўлган. Шунингдек, бу давр дунё илмида «*Мусулмон Ренессанси*» (А.Мец) ёки «*Шарқ Уйғониши*» (Н.И.Конрад) деб ҳам аталган¹².

Таҳлиллардан англашиладики, *Ренессанс // Уйғониш даври*, «*Мусулмон Ренессанси*» // «*Шарқ Уйғониши*» халқаро хрононимлардир.

3. Хрононим ва геортонимлар тарихий миллий, маданий воқеа-ҳодисаларни номи сифатида миллий-маданий функция ҳам бажаради. Масалан, 2018 йилни Қозоғистонда *Ўзбекистон йили*, 2019 йилни Ўзбекистонда *Қозоғистон йили* сифатида нишонлангани амалдаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, муносабатлардаги самимиятни янада кучайтиришга хизмат қилди.

4. Хрононим муайян тарихий даврни, воқеа-ҳодисани иккинчисидан фарқлаш, ажратиш билан дифференциациялаш (фарқлаш) функциясини бажаради. Масалан, *Тошкент қўзғолони* (1847), *Вабо исёни* (1892.24.06) каби хрононимлар Тошкентда юз берган, мақсад-моҳияти бир хил халқнинг озодлик, эрк, адолат учун олиб борган курашларини аташ билан бир қаторда, уларни бир-биридан фарқлаш вазифасини ҳам бажаради.

5. Хрононимлар тарихий ва бошқа манбаларда қўлланиб, муайян тарихий вақт бўлаги ва воқеа-ҳодисани авлоддан авлодга, даврдан даврга олиб ўтиб, унинг тарихий хронологиядан мустаҳкам ўрин олиши ва сақланишига хизмат қилиши билан эпистемик функция бажаради¹³. Масалан, 1892 йил 24 июнда *Вабо қўзғолони* доирасида юз берган *Тошотар воқеаси* ҳозирга қадар шу ном остида етиб келган. *Тошотар воқеаси* – Вабо қўзғолони доирасида халойиқнинг Тошкент ҳокими С.Р.Путинцев ва оқсоқол Муҳаммад Ёкубга қарши ҳужуми, уларни тошбўрон қилиши.

6. Геортонимлар умумлаштириш вазифасига ҳам эга. Масалан, *Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни* – матбуот, телевидение, радио ходимларининг, яъни тележурналист ва радиожурналист, муҳаррир, муҳбир, мусахҳих, ношир, муқоваловчи, диктор, телешарҳловчиларнинг касбий байрамини ифодалайди.

7. Хрононим ва геортонимлар бадиий, публицистик матнларда тарихий вақт, давр, байрамларга хос ҳис-туйғу, эмоция, таъсирчанликни ифодалашга хизмат қилиши, бадиий тимсоллар сифатида қўлланиши билан эстетик ёки таъсир этиш, яъни экспрессив вазифа ҳам бажаради, шу вазифа доирасида талмеҳ санъати учун лисоний асос бўлади. Шеърда талмеҳ санъати, яъни хрононим ва геортонимларнинг келтириш асосида уларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий, маънавий-маърифий моҳияти, инсонлар ҳаётидаги ўрни ёки мазмун-мундарижасига ишора қилинади. Бу байрам туркумида яратилган бағишлов шеърларда ёрқин кузатилади. Ўзбек шеърлятида истиқлол йилларида хрононимлар билан боғлиқ сиёсий лириканинг бағишлов шеърлар туркуми юзага келди. Сиддиқ Мўминнинг «Хуррият солномаси» тўпламига

¹¹ Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.111.

¹² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 9-ж. – Б. 57.

¹³ Қаранг. Маматов А.Э. 100 наиболее важных функций языка – Тилнинг энг муҳим 100 та функцияси. – Тошкент: ВАҲОЗ, 2014. – 40 б.

кирган изчил тарзда йил номларига бағишланган 21 та туркум шеърлари йил номларига бағишланган сиёсий лириканинг энг яхши намуналаридир¹⁴.

Шоир шеърларида йил номларини ифодаловчи хрононимлар бадий тимсол сифатида гавдалантирилиб, уларнинг ижтимоий мазмун-моҳияти, йил билан боғлиқ давлат сиёсати, дастури ҳамда амалга ошириладиган эзгу амаллар, тадбирлар бадий, образли ёритилган. Албатта, бунда хрононимлар экспрессив функция бажарган. Масалан, шоирнинг хрононим билан аталган «Обод турмуш» шеърда йилнинг номланиши билан боғлиқ юрт тинчлиги, фаровонлиги, янги замонавий уй-жой қурилиши, қишлоқ ва шаҳарлар ободлиги йўлидаги буюк эзгу мақсадлар маҳорат билан халқона тилда ифода этилган. Шеърда «*қадри қиммат он*», «*хирмондаги дон*», «*поёни йўқ кон*», «*осмонўпар том*», «*дилга малҳам, жон*» каби сифатлашлар билан «Обод турмуш» хрононимининг такрорланиши матнга ўзгача оҳангдорлик руҳини бериш баробарида, мазмунни таъкидли ифодаланишига хизмат қилган.

Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётида Наврўз алоҳида ўлмас мавзуга айланган. Наврўз туркумида ёзилган шеърӣ ва насрий асарлар байрам номи билан аталган. *Наврўз* геортоними билан боғлиқ юзага келган Пўлат Мўминнинг «*Ўргулайин Наврўзимдан*», Эркин Воҳидовнинг «*Наврўз нашидаси*», А.Ориповнинг «*Наврўз*», М.Юсуфнинг «*Наврўз*», Салим Ашурнинг «*Наврўз*», Сирожиддин Саййид ва Иқбол Мирзонинг айнан бир номдаги «*Наврўз қўшиғи*», Фарида Афрўзнинг «*Баҳор манзумаси*», Гулчехра Шаҳобиддин қизининг «*Согиниш (Баҳор ва Наврўз ҳақида қасида)*» шеърӣ асарларини ифодаловчи библионимлар туркумида ҳам геортонимларнинг экспрессив вазифаси ёркин кузатилади.

Тилдаги хрононимлар мажмуи, йиғиндиси *хрононимия*ни ташкил этади. Тилдаги хрононимияни, яъни хрононимлар макроқўламини тадқиқ этувчи соҳа *хрононимика* деб юритилади. Ўзбек тили ономастикасида хрононимлар махсус тўпланмагани, тадқиқ этилмагани боис хрононимика соҳаси ўрганадиган масалалар ҳам белгиланмаган.

Хрононимика тилнинг хрононимик кўлами билан боғлиқ қуйидаги масалаларни:

1) тарихий вақт бўлаги, воқеа-ҳодиса, йиғинларнинг атоқли оти – хрононимларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши билан боғлиқ лисоний, нолисоний омилларни;

2) хрононимик индикаторларнинг лисоний хусусиятлари ва хрононимлар таркибидаги вазифасини;

3) хрононимларнинг тарихий ва замонавий шаклларини ҳамда улардаги лисоний ўзгаришларни;

4) хрононимларнинг луғавий-маъновий хусусиятларини;

5) хрононимларнинг тузилиши ва деривацион моделларини;

6) хрононимларнинг бошқа ономастик бирликлар билан муносабати ва бундаги вазифавий ўтишларни;

7) хрононимларнинг фонетик, лексик, услубий вариантларини;

8) хрононимларнинг номинацион-мотивацион хусусиятларини;

¹⁴ Мўмин, Сиддиқ. Хуррият солномаси. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2016. – 80 б. Барча шеърлар шу тўпландан олинди. Шу боис кейинги ўринларда шеър номи ва саҳифасини кўрсатиш билан кифояланилди.

9) хрононимларни таснифлаш билан боғлиқ илмий ва амалий масалаларни;

10) хрононимик луғатлар тузиш тамойилларини ўрганиши лозим.

Хрононимика тадқиқ объекти, предмети, мақсади ва вазифасига кўра ономастиканинг илмий йўналиши сифатида тилшуносликнинг тил тарихи, лексикология ва бошқа бўлимлари билан узвий алоқада иш олиб боради.

Хрононимларнинг лисоний тадқиқи йилномалар, солномалар, хронологик рўйхатлар тузишда, уларни лисоний жиҳатдан мукаммалаштиришда амалий аҳамиятга эга.

1.2. Хрононим ва геортонимлар тадқиқи ҳамда долзарб вазифалар.

Байрамлар тадқиқи билан кўпроқ тарихчилар, этнографлар, файласуф маданиятшунослар шуғулланганлар¹⁵. Байрам назарияси илк маротаба ўтган асрнинг 30-йилларида М.М.Бахтин томонидан тақдим этилган. У ўзининг «Франсуа Рабле ижодиёти ва ўрта асрлар уйғониш даврида халқ маданияти» номли асарида байрам назариясининг фундаментал тушунчаларини шакллантиради. Таъкидлаш жоизки, унинг қарашлари ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчилар учун муҳим манба ҳисобланади.

Рус ва бошқа халқларнинг хрононимлари тарих, маданиятшунослик, тилшунослик фанлари аспектида ўрганилган. Н.Л.Юдин фалсафа йўналишида «Байрамнинг ижтимоий мазмуни» масаласини монографик тадқиқ этган¹⁶.

Туркологияда ҳам байрамлар, жумладан, бошқирд халқ байрамлари И.Р.Шарапова, чуваш халқ байрамларининг амалий-безак санъати билан боғлиқ бадий хусусиятлари Т.В.Соловьева¹⁷ томонидан ўрганилган. И.Р.Шарапованинг талқинича, байрамлар ижтимоий-маданий тарихнинг ажралмас қисми бўлиб, қадим замонлардан ҳозиргача жамиятда дунёқарашни

¹⁵ Новожилова А. А. Функциональная вариативность относительных хрононимов: на материале немецкого языка: Автореферата 10.02.04, кандидат филологических наук. – Волгоград, 2008. – 26 с.; Атрошенко О.В. Русская народная хрононимия: Автореферат кандидат филологических наук. – Екатеринбург, 2012. – 26 с.; Гайворонская Л. В. Семантика календаря в художественном мире Пушкина: дни недели, времена года. – Воронеж, 2006. – 242 с.; Бадертдинова Л.А. Семантика и сочетаемость именназваний времен и месяцев года языке произведений И.А.Бунина: – Казань, 2004. – 179 с.; Реммер С.А. Хрононими як особливий розряд власних імен: Диссертация и автореферата кандидат филологических наук. – Дніпропетровськ, 2005. – 20 с.; Черных А. В., Вайман Д.И. Хрононимы в календарных традициях немцев Урала: Вестник пермского университета, Российская и зарубежная филология. – Россия, 2015. – 5-10 с; Андреева Н.В. Функциональная семантика хрононимов в нарративном тексте материале современного немецкого языка: Автореф. дис. ... доктор. филолог... наук. – Волгоград, 2008. – 24 с.; Черных А.В. Хрононимы в русских говорах Пермского края // Вестник Пермского университета. Российская и зарубежная филология. – Москва, 2010. – Вып. 6(12). – С. 5-10; Орлов О.Л. Российский праздник как историко-культурный феномен: Автореф. дис. ... доктор. культурологии. наук. – Санкт-Петербург, 2004. – 29 с.; Филатова Е. А. Праздник как ритуально-игровое событие: Автореф. дис..канд.. философ.. наук. – Тюмень, 2013. – 29 с. Ванченко Т.П. Культуролого-антропологические основания праздника: семантико-семиотические аспекты: Автореф. док.. философ.наук. – Тамбов, 2009. Уарзиати В.С. Праздничный мир осетин. – М., 1995. – С.7.; Навашева В.А. Исследование периферийных разрядов ономастики: наименование праздников // В мире науки и искусства: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии: сб. ст. по матер. VIII междунар. науч.-практ. конф. Часть I. – Новосибирск: СибАК, 2012.

¹⁶ Юдин Н.Л. Социальный смысл праздника: Автореферат. Философских наук. – Иванова, 2006. – 228 с.

¹⁷ Соловьева Т.В. Основы художественной организации произведений декоративно-прикладного искусства в чувашском народном празднике: Москва, 2004. – 237 с.

такомиллаштириш, бирлаштириш, тарбиявий, этик-эстетик, аксиологик, завқлантирувчи вазифаларни бажаради¹⁸.

И.В.Гужова байрамга маданий феномен сифатида яхлит ёндашади. Унинг фикрича, «Байрам тарихчиларни, этнографларни, маданиятшунос антропологлар, маданият файласуфларини диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Шундай бўлса-да, ҳар бир тадқиқот унинг муайян жиҳатини тадқиқ этган холос».

У.Қорабоев байрамшунос олим сифатида «Бадий-оммавий тадбирлар», «Табиат байрамлари», «Ўзбекистон байрамлари», «Наврўз», «Ўзбек халқи байрамлари», «Маданий тадбирлар» номли асарлар яратган. Унинг «Ўзбек халқи байрамлари» китобида бир неча минг йиллик ўзбек халқи байрамларининг тарихи, хусусан, энг қадимги даврдан ҳозиргача бўлган байрамларнинг тараққиёт босқичлари, байрамона анъаналар, шўролар давридаги миллий байрамларга бўлган муносабат ва мустақиллик йилларида миллий байрамларнинг қайта тикланиши, халқаро аҳамияти ва истиқболи масалаларини тарих, маданиятшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Наврўз байрамининг тарихи, генезиси, у билан боғлиқ этнографизмлар: урф-одатлар, маросимлар, удумлар, анъаналар ва фольклор намуналари тарихчи, этнограф, этнолог, фольклоршунос олимлар томонидан ўрганилган¹⁹.

А.Аширов зардуштийларга хос маросимлар, Ўрта Осиё халқлари этнографияси, этногенезиси ва этник тарихини, ўзбек халқининг қадимий диний эътиқодлари ва маросимларининг тарихи, эволюцияси ҳамда уларнинг ҳозирги изларини тарих, этнология фанлари аспектида чуқур тадқиқ этган²⁰, ўзбек этнологиясига асос солган.

1.3. Ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг айрим тарихий манбалари ҳамда такомил. «Авесто»да келтирилишича, зардуштийларда кун, ой ва йил муқаддас саналган. Шу боисдан кун, йил илоҳлари ҳам бўлган: *Яйра Хуштий* (йил илоҳи), *Рад Хурдод* (йил илоҳи), *Рапитвина* (куннинг иккинчи қисми илоҳи), *Вайшантаса* (кунларни ҳимоя қилувчи илоҳ) каби²¹. «Авесто»даги хрононимлар, асосан, зардуштийлик билан боғлиқ йил,

¹⁸ Шаропова И.Р. Бошқидские народный праздники как социокультурное явления: философских наук. – Уфа, 2010. – 143 с.

¹⁹ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.65-71; Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – Б.12-19; 72-81; Бўриев О. Наврўз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1990; Мирзаев Т., Жўраев М. Асарларни мунаввар қилган байрам. Наврўз. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.4-15; Жўраев М. Наврўз байрами. – Тошкент: Фан, 2009. – 229 б; Турдимов Ш., Эшонкулов Ж. Наврўз нашидаси: Наврўз байрами билан боғлиқ кўшиқлар, ғазаллар, шеърлар. – Тошкент, 2009; Турдимов Ш. Наврўз кўшиқлари: тадқиқот, мажмуа. – Тошкент, 2010; Аширов А. «Авесто»дан мерос қолган маросимлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б. 12-13; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 56-222; Зиётов З. Наврўз – мозийдан садо. – Тошкент: Istiqlol, 2016. – 120 б; Исоқов Б., Исоқова Н. Наврўз – мустақиллик берган неъмат. – Наманган: «Наманган» нашриёти, 2017. – 280 б.

²⁰ Ашуров А. «Авесто»дан мерос маросимлар. – Тошкент: Мерос, 2001. – 32 б.; Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 272 б.; Этнология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий давлат кутубхонаси, 2007. – 179 б.; Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Янги нашр, 2011 ва бошқалар.

²¹ Дўсимов З.Д., Тиллаева М.Б. Хоразм ономастикасининг шаклланиши ва «Авесто». – Тошкент: Фан, 2010. – Б.106-107.

кунларнинг махсус атоқли номларидир. Масалан, *Вайшантаса* – «Динкарт»да келишича, ойнанинг йигирма биринчи кунидан йигирма бешинчи кунигача бўлган қисмининг номи.

Зардуштийликдаги гаҳанборлар – байрамлар табиат, хусусан, йил фасллари ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзи: чорвачилик, деҳқончилик билан, диний мотивлар, яъни қайси илоҳ билан боғлиқлигига кўра номланган.

Зардуштийлик даври геортонимларига худо, илоҳларнинг номлари – теонимлар луғавий асос бўлган, илоҳларнинг номлари – теонимлар трансонимизация асосида геортонимларга ўтган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида қадимий эронийлар, хоразмийлар, суғдийлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, христианлар, ҳиндлар ва бошқа халқларнинг тақвимларидаги машҳур кунлар, ҳайитлар ва урф-одатлар тарихий-маданий жиҳатлар мукамал ёритилган²². Асар Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм ва Суғд халқларининг исломгача бўлган йиллик тақвимий байрамлари ҳақида бой маълумотлар беради²³.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида *Самарқанд қамали*, *Кўли Малик жанги*, *Сарипул жанги*, *Карнон воқеаси*, *Қор кечини воқеаси*, *Жар учини воқеаси*, *Тўфон воқеаси* каби тарихий хрононимлар келтирилган²⁴.

Диссертациянинг «**Ўзбек тили хрононим ва геортонимларининг лисоний таснифи ҳамда таҳлили**» номли 2-бобидаги 1-бўлим ўзбек тили хрононимларининг лексик-семантик таснифи ва семантик-функционал хусусиятлари тадқиқига бағишланган.

Хрононимлар сирасига бетакрор ва изчил такрорланувчи вақт бўлақларининг атоқли отлари киради. Хрононимлар ижтимоий моҳиятга молик вақт бўлақларини ифодалайди.

Ўзбек халқ тақвими аجدодларимизнинг неча-неча асрлар синовидан ўтган ҳаётини тажрибалари ва меҳнат анъаналари асосида юзага келгани учун ҳам унда йил фасллари ва ҳар бир ойнанинг моҳияти, табиат ҳодисалари ва ўзгаришларининг муддати, деҳқончилик ва чорвачилик хўжалигини юритишнинг табиат ҳодисалари билан боғлиқ жиҳатлари ўз аксини топган²⁵.

Халқ орасида ўтмишда фаол кўлланган, ҳозирда кексалар нутқида сақланиб қолган, вақт ҳисоби билан боғлиқ «*тўғал ҳисоби*» // «*тўқуш ҳисоби*», «*юлдуз ҳисоби*», «*тошув ҳисоби*», «*юз ҳисоби*», «*қуш қайи*» // «*долга ҳисоби*», «*тўқсон ҳисоби*», «*чилла ҳисоби*», «*деҳқон ҳисоби*», «*мулла Усмон ҳисоби*», «*Ховос ҳисоби*», «*ўрта ҳисоб*», «*Кўзибой майриқ ҳисоби*», «*Қамбар тўғал ҳисоби*» каби бирликлар халқ хрононимик бирликларидир.

Қадимий тақвимлар ва вақт ҳисобини ифодаловчи хрононимик бирликлар қуйидаги воқеа-ҳодисалар мотивацияси асосида номланган:

1.Савомий жисмлар: сайёралар, юлдузлар ҳолати асосида: «*шамсий*

²²Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорлик. Танланган асарлар. 1-том. – Тошкент: Фан, 1968. –Б.252-386.

²³Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – Б.12.

²⁴ Қаранг. Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Shaq, 2014. – 744 б.

²⁵ Жўраев М. Наврўз байрами.–Тошкент: Фан, 2009.– Б.17.

тақвим», «қамарий тақвим», Хулкар юлдузининг ҳаракат йўналишидаги кесишув нукталарига кўра, «тўғал ҳисоби» // «тўқуш ҳисоби», «юлдуз ҳисоби» каби.

2. Табиат ҳодисалари ва ундаги ўзгаришларга асосида; «тошув ҳисоби», «юз ҳисоби», «қуш қайи» // «тўқсон ҳисоби», «чилла ҳисоби» каби.

3. Муайян касб эгалари, шахслар ва ҳудудларга нисбат бериш асосида: «деҳқон ҳисоби», «чорва ҳисоби», «мулла Усмон ҳисоби», «Ховос ҳисоби», «ўрта ҳисоб», «Кўзибой майриқ ҳисоби», «Қамбар тўғал ҳисоби» каби.

Юқоридаги халқ хрононимик бирликлари, тўқсон сўзини эътиборга олмаганда, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» сўзлигига киритилмаган.

Тўқсон сўзи ўзбек халқи сўзлашув нутқида вақт бўлаги, яъни «21 декабрдан 21 мартгача бўлган 90 кун» семемаси билан хрононим.

Ўзбек тили хрононимларини лексик-семантик жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

I. Тарихий вақт бўлақларини ифодаловчи хрононимлар. Одатда, тил бирликлари поғонали (иерархик) муносабатда бўлади. Бу вақтни, тарихий саналарни ифодаловчи апеллятив лексика ва хрононимия доирасида ҳам амал қилади. Поғонали муносабатлар билан боғланган тил бирликларида кенгроқ тушунча ва маънони ифодаладиган бирлик торроқ тушунча ва маънони ифодаладиган бирликни ўз ичига олади, у билан кўпинча тур-жинс (гипо-гиперонимик), бутун-бўлак (партонимик) алоқаларига киришади²⁶. Хрононимлар сирасидаги ҳар бир гипоним бир қанча бошқа номларни жамлайди ва бошқаларига нисбатан гипероним бўлади. Бу тархий вақт бўлақларини ифодаловчи хрононимларнинг таснифида ҳам ёрқин кўринади:

1. Аср номлари: *Беруний асри* (XI аср), *Уйғониш асри*, *Техника асри* каби.

2. Давр номлари: *Турк хоқонлиги даври* (V-VII асрлар), *Қорахонийлар даври* (IX-XI асрлар), *Миллий уйғониш даври*, *Мустақиллик даври* каби.

3. Йил номлари: *Амир Темури йили* (1996), *Аёллар йили* (1999), *Соглом авлод йили* (2000), *Оналар ва болалар йили* (2001), *Обод маҳалла йили* (2003), *Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили* (2019) каби.

4. Ой номлари: «*Ватанпарвалик ойлиги*», «*Тоза ҳаво ойлиги*», «*Ёшлар ойлиги*», «*Согломлаштириш ойлиги*», «*Соглом аёл ойлиги*» каби.

5. Ҳафталик номлари: «*Маънавият ҳафталиги*», «*Сайёр китоб карвони ҳафталиги*», «*Маҳалла ва нурунийлар ҳафталиги*» каби.

II. Тарихий воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи хрононимлар. Хрононимларнинг бу турига жанг, босқин, исён, ғалаён, кўзғолон, воқеа, фожиа каби тарихий воқеа-ҳодисаларнинг атоқли номлари киради:

1. Кўзғолон номлари: *Жиззах кўзғолони*, *Маҳмуд Торобий кўзғолони* (1238), *Пўлатхон кўзғолони* (1873) каби.

2. Жанг номлари: *Парвон жанги*, *Қатвон жанги*, *Нисо жанги*, *Кўли Малик жанги* каби.

3. Қамал номлари: *Самарқанд қамали*, *Ўтрор қамали* каби.

4. Мудофаа номлари: *Бухоро мудофааси*, *Самарқанд мудофааси* каби.

²⁶ Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – 24 б.

5. Босқин, исён, ғалаён номлари: *Бухоро босқини* (1920), *Вабо исёни*, *Чимён ғалаёни* каби.

6. Ҳарбий юришлар: *Бекович-Черкасский ҳарбий юриши* (1714-1717), *Амир Темурининг «уч йиллик» ҳарбий юришлари* каби.

7. Экспедиция номлари: *Искандарқул ҳарбий экспедицияси* каби.

8. Намойиш номлари: *Апрель намоишлари* (Бухоро, 1917) каби.

9. Инқилоб номлари: «*Аграр инқилоб*», «*Ёш турклар инқилоби*» каби.

III. Тарихий йиғинларнинг атоқли номлари. Хрононимларнинг бу турига қуйидаги номлар киради:

1. Мажлис, қурултой, съезд номлари: *Самарқанд қурултойи*, *Фарғона қўрбошиларининг қурултойи*, *1-Умумўзбек съезди* (1921) каби.

2. Шартнома номлари: *Гандимиён шартномаси* каби.

Ҳар қандай ономастик бирлик каби хрононимлар ҳам маълум мотивга асосланади. Ўзбек тили хрононимларини мотивацион жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Тарихий воқеа-ҳодиса, йиғин юз берган, ўтказилган жой (шаҳар, қишлоқ, вилоят) номлари – топонимлар мотивацияси асосида юзага келган хрононимлар. Масалан, *Дархон жанги* (1865, 8 май) – чор Россияси қўшинлари билан Тошкент мудофаачилари ўртасида содир бўлган жанг²⁷.

Самарқанд қўзғолони – маҳаллий ҳукмдорлар ва рус подшо ҳукуматига қарши кўтарилган халқ қўзғолони (1968 йил 1-8 июнь).

Келтирилган хрононимлар қўзғолон юз берган шаҳар, қишлоқ номлари, яъни полисоним ва комонимларга нисбат бериш асосида номланган. Бундай хрононимлар ўзбек тили хрононимиясида салмоқли ўрин тутади.

2. Тарихий воқеа-ҳодиса бошлиқлари, ташкилотчилари, раҳбарлари исми, фамилияси – антропонимлар мотивацияси асосида юзага келган хрононимлар. Масалан, *Муқанна қўзғолони* – Мовароуннаҳрда Араб халифалигига қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракати (VIII асрнинг 70-80 йиллари). Қўзғолонга илмли, араб, форс тилларини билган, бир кўзи кўр, боши кал ва башараси хунук бўлганлиги боис боши ҳамда юзига парда тутиб юрган, «Ниқобдор», яъни «Муқанна» лақабини олган Ҳошим ибн Ҳаким раҳбарлик қилган. Қўзғолон унинг лақабига нисбат бериб шундай номланган²⁸.

3. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий омиллар мотивацияси асосида юзага келган хрононимлар. Масалан, йил номларини ифодаловчи ҳар бир хрононим номинацион-мотивацион, семантик, функционал хусусиятларга эга. Масалан, «*Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили*», деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион гоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга

²⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 3-ж. – Б.211.

²⁸ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 6-ж. – Б.174.

оширилди²⁹. 2018 йилда бошлаган ишларни давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида 2019 йилга «*Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили*», деб ном берилди³⁰.

2.2. Геортонимларнинг лексик-семантик таснифи. Ўзбек тили геортонимларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Байрам номлари: *Наврўз байрами, Мустақиллик байрами, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Меҳржон байрами* каби.

2. Сайил номлари: *Сунбула сайли, Қизилгул сайли, Дўлана сайли, Сумалак сайли, Узум сайли, Беҳи гули сайли, Палов сайли // Ош сайли* каби.

3. Фестиваль номлари: «*Шарқ марвариди*» анъанавий санъат халқаро фестивали, «*Шарқ атиргули*» болалар ва ёшлар халқаро фестивали каби;

4. Концерт номлари: «*Фасли навбаҳор*», «*Зувола*» (О.Назарбеков, 2018), «*Қироличаман*» (Ю.Усмонова, 2019) каби.

5. Кўрик-танлов номлари: «*Анор – 2019*», «*Баҳор ва аёл*» каби.

Геортонимларни мазмун-моҳияти, тарқалиш ареали ва даврий жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Анъанавий-мавсумий геортонимлар. Геортонимларнинг бу гуруҳи, узоқ тарихий тараққиёт жараёнида халқнинг маданий-маърифий тафаккури, ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари асосида шаклланган бўлиб, улар аклий-ижодий фаолият жараёнида атроф-муҳит, табиат, меҳнат жараёнига боғлиқ тарзда авлоддан-авлодга ўтиш анъанаси орқали тараққий этади: *Сув сайли, Анор сайли, Беҳи гули сайли, Бог сайли, Бойчечак сайли, Гул байрами* каби.

2. Умумхалқ ва миллий геортонимлар. Маълум бир миллатнинг тарихи, миллий қадриятлари, анъаналари билан боғлиқ муҳим воқеа-ҳодисаларни нишонлаш миллий геортонимлар саналади. Масалан, *Наврўз байрами, Мустақиллик байрами, Халқаро хотин-қизлар байрами* каби.

Ўзбек тили геортонимларини мавзуий жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Табиат билан боғлиқ геортонимлар. Бундай геортонимлар ва тадбирлар халқнинг табиат билан боғлиқ диний ва дунёвий қарашларининг маҳсулидир: «*Олтин куз*» халқаро санъат фестивали, «*Бойсун баҳори*» фестивали, «*Ҳаво шарлари*» экофестивали, *Меҳржон, Наврўз* каби.

2. Сиёсий геортонимлар. Тарихий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида шаклланган рамзий геортонимлар: *Мустақиллик байрами, Конституция байрами, Ватан ҳимоячилари куни* каби.

3. Маърифий геортонимлар. Халқнинг тафаккури, маданияти, маънавий қиёфаси, мафкуравий иммунитетини шакллантирувчи геортонимлар: 21 октябрь – «*Ўзбек тили байрами*», «*Болалар китоби*» анъанавий республика фестивали, «*Маънавият фестивали*» каби.

4. Маданий геортонимлар. «*Асрлар садоси*» (2009) анъанавий маданият фестивали, «*Дўстлик ва маданият*» фестивали (2014, Тошкент), «*Келажак*

²⁹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Наманган ҳақиқати, 2019, 19 январь. – №6. – Б.1.

³⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Наманган ҳақиқати, 2019, 1 январь, 1-бет.

овози» республика кўрик-танлови, «Чашма» республика фольклор кўрик-танлови каби.

5. Диний геортонимлар. Ислом таълимоти билан боғлиқ билим ва тушунчаларнинг амалий ифодаси, асрлар оша безавол яшаб келаётган диний қадриятлар мажмуи: *Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Лайлатулқадр* каби.

6. Касбий геортонимлар: «Чегарачилар куни» (28 май), «Темир йўлчилар куни» (1 август), «Солиқчилар куни» (12 август), «Қурувчилар куни» (август ойининг иккинчи якшанбасида) каби.

Мусиқа, театр, кино, эстрада, цирк санъати ва спорт билан боғлиқ фестивалларнинг атоқли номлари ҳам геортонимларга киради. Истиқлол йилларида *фестиваль* сўзининг маъно кўлами ва доираси ҳам кенгайди. Фестиваль номларини ифодаловчи геортонимлар маълум мусиқа, рақс, кўшиқ, театр, кино, эстрада, цирк санъати ва маънавий, миллий оммавий байрамларни аташ, бошқаларидан фарқлаш, яшовчанлиги ва бардавомлигини таъминлаш, реклама қилиши билан лингвокультурологик, социолингвистик ва прагматингвистик вазифаларни бажаради.

